

**ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ТИББИЁТИДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ**

М.А. Тагаев

ТашПТИ “Ижтимоий фанлар, педогогика ва  
психология кафедраси” доценти**Аннотация**

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида оналик ва болалик ва уларнинг оила равнақини таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратди. Ўтиш даврида мавжуд бўлган ижтимоий - иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, бу муҳим муаммони ечимини топиш учун барча ички ва ташқи имкониятларни сафарбар этилиши оналар ва болалар саломатликларини сақлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга имкон берди.

Маълумки, замонавий тиббиётнинг асосий тамойилларидан бири ҳар қандай касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўришдир. Шунинг учун республикамизда белгисиз кечадиган оғир хасталикларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида самарали даволаш чораларини қўллаш борасида изланишлар олиб боришга, жумладан инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этишга эътибор кучайтирилди.

**Таянч сўзлар:** «канцер регистр», Онкологик касалликка, “Хоспис”, Эдмарк, Хален Хаус-стационар, Педиатрияда паллиатив, хоспис, Аборот технологияларидан, Концепция вазифаларини..

**Introduction**

Республикада етакчи тиббиёт муассасалардан бири ҳисобланган онкология илмий маркази қошида 2003 йили янгиликлар яратиш ва инновацияларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида «Ёш онкологлар» жамияти ташкил этилди. Жамият ўз фаолияти давомида кўкрак беши, меъда, йўғон ичак, қовуқ саратонини жарроҳлик йўли билан даволашнинг янгича, замонавий тиббиёт талабларига жавоб берадиган, яъни аъзоларни сақлашга қаратилган усулларни қўллашга киришди. Жумладан, сут беши ва бачадон бўйни саратони бўйича профилактик кўриклар ва скрининг текширишлар ўтказилиши натижасида касалликнинг I ва II босқичларда аниқланиш фоизи қарийб икки марта ортишига эришилди. Сийдик қоши саратонини даволашнинг янги комплекс усули яратилди. Бунда маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган пробиотик усулни қўллаш орқали даволаш йўлга қўйилди. Бу олдинги даволаш усулларига қараганда анча самарали, хавфсиз ва арзон эди. Айни пайтда, жамият мамлакатимизнинг барча вилоятларида, энг аввало, касалликнинг олдини олиш ва эрта босқичларда аниқлашга катта эътибор қаратишни тарғиб қилди. Онкологик касалликка йўлиққан беморлар бўйича маълумотларнинг ягона электрон ахборот базаси — «канцер регистр» яратилди ва амалиётга жорий қилинди. Жамият ўзлаштирган муҳим янгиликлардан яна бири меъда олиб ташлангандан сўнг ушбу аъзо фаолиятини тиклаш учун ингичка ичакдан фойдаланган ҳолда пластик-тиклаш

жарроҳлиги, яъни бемор ичагидан ошқозон ҳосил қилиш операцияси қўлланила бошланди<sup>1</sup>. Бундай амалиётлар қўлланилган беморлар яна тўлақонли ҳаёт кечири бошлади. Давр тақозосига кўра доимий изланиш талаб қиладиган тиббиёт соҳасида эришилган бу ютуқлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим омиллардан бирига айланди.

**Тадқиқотни методологияси. (Research Methodology)** Тадқиқот марказига Оналар ва болалар тиббиётида инновациялар ва замонавий технологияларнинг жорий этилиши олинди. Мавзунини ёритишда тадқиқотга оид тарихий хўжжатлардан фойдаландик.

**Натижа ва муҳокама (Results and Discussions)** Жамият аъзолари мазкур ютуқларга эришишда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларидан фойдаландилар. Маълумки, педиатрияда паллиатив<sup>1</sup> ёрдам жаҳонда 1967 йилда Англияда ташкил топган бўлиб, катталар паллиатив ҳаракатининг муваффақиятли амалга оширилиши кейинчалик болалар учун паллиатив ёрдамнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига асосий сабаб бўлди. 1967 йилда Буюк Британияда госпитал очган Кристофер Гарчи касалхонасининг асосчилари саратон касаллигига чалинган катталарга эътибор қаратилган ва тез орада болалар орасида ҳам эҳтиёж борлиги сезилган. Энг биринчи паллиатив воситалар учун кўплаб дастурлар болаларда ҳаёт учун хавфли касалликга дучор бўлган одамлар томонидан бошланган<sup>2</sup>.

Ўз фарзандларини йўқотган оилалар бундай хизматларни ўрнатишда жуда катта иштирок этдилар ва хайрия жамғармалари ва ўз-ўзига ёрдам гуруҳларини яратиш 1970 йилларнинг охирларида АҚШда саратон касаллигига чалинган болаларни саратонга қарши парвариш қилиш бўйича уй шароитида даволаш хизматини госпиталдан кейинги парвариш қилиш бўйича кейинги дастурларни ишлаб чиқиш болалар учун ишлатилган “Хоспис” биринчи моделлардан бири эди (Egmarc Hospice for Children). 1979 йилда болаларни тарбиялаш учун Виржиния аҳолисига биринчи маратоба шошилиш хизмат кўрсатилган. Хоспис болаларга паллиатив ёрдам кўрсатиш моделлари нафақат таълим турини эмас, балки бу тушунчаларни мантиқий эканлигини англаб етди ва уни аста-секин ривожлантириб, турли шароитларда ёрдам дастурларини болаларнинг паллиатив масаласига қаратди. Биринчи болалар хоспис-ёрдам кўрсатишни етакчи намоёндалар Эдмарк, Хален Хаус-стационар даволаш, вақтинча таъминлаш дастлаб 1982 йили Оксфорд (Англия) даги болалар касалхонасида, 1985 йили эса Бэйсайд (Нью-Йорк) да қўлланилди<sup>3</sup>.

1990 йилдан эътиборан паллиатив педиатрия Россиянинг Санкт –Петербург шаҳрига, 1994 йилда Москвага кириб келди<sup>4</sup>. Ҳозирги вақтда Россия Федерациясининг 130 та тармоғида паллиатив ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган бўлиб, улар дастлаб катта ёшдаги

<sup>1</sup> [uzbekistonovozi.uz](http://uzbekistonovozi.uz) <http://minzdrav.uz/uz/news/detail.php?ID=46934#>

<sup>2</sup> Паллиатив педиатрия ёрдами дунё амалиётида умидсиз касалларнинг ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирлар сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, катта ёшли беморларни даволаш учун шакллантирилган, кейинчалик паллиатив ёрдам принциплари болалар билан ишлашда ҳам бошланган.

<sup>3</sup> Гнездилов А.В., Иванюшкин А.Я., Миллионщикова В.В. Дом для Жизни. Человек. 1994;5: С-116-121.

<sup>4</sup> Инициатива по улучшению паллиативной помощи. <http://ppci.choosinghope.info/>

<sup>4</sup> Инициатива по улучшению паллиативной помощи. <http://ppci.choosinghope.info/>

беморлар учун, кейинчалик эса ўсма касаллигига чалинган кичик ёшдаги беморларда ҳам қўлланила бошлади<sup>5</sup>.

Ҳозирги вақтда болаларга паллиатив педиатрия ёрдами кўрсатишнинг қуйидаги усуллари кенг қўлланила бошланди: ҳамширалик хизматининг уйга ташриф буюриши ва парвариш қилиш имкониятини яратиш; оиланинг бола ҳаётида ўлими, йўқолиши ва бошқа хавфли ҳолатлар бўлиши мумкин бўлган ҳолда бошқа хизматлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлигини ташкил қилиш; ходимларни қўллаб-қувватлашни ташкил қилиш; эксперт баҳоси; кеча ва кундуз тўхтовсиз ёрдам кўрсатиш; вояга етганлар учун паллиатив ёрдам хизматларидан фарқли ўлароқ, уйда болаларга паллиатив ёрдам кўрсатадиган кўплаб дастурлар ишлаб чиқилди<sup>1</sup>.

Педиатрияда паллиатив ёрдамнинг ўзига хос хусусиятлари паллиатив педиатрия жиддий касалланган болаларни парвариш қилиш, шунингдек ёш болалари кўпчиликини ташкил этган давлатларда уларга ижтимоий –эмоционал, ижтимоий ва маънавий ёрдамни ташкил этиш болаларни қўллаб- қувватлаш ассоциацияси томонидан қўллаб қувватланади (Буюк Британиянинг Королёва педиатрия коллежи ва болалар соғлиғини сақлаш жамияти)<sup>2</sup>.

Узлуксиз таълим чуқур ҳамда асосли таълим-тарбия бериш, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг турли шакл, усул, восита, услуб ва йўналишларининг мукамал уйғунлигини таъминлашдан иборат бўлиб, у таълим сифатини турли компонентлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, муайян усуллар ва услубларнинг таълим жараёнига оқилона татбиқ этилишини таъминлайди. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида тўпланган педагогик тажрибалар, замонавий педагогик технологияларининг талабаларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишга имконияти катта эканлигини тасдиқламоқда<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, янги педогогик технологиялар ва инновацияларни жорий этиш давом эттирилоқда. Аборот технологияларидан фойдаланган ҳолда замонавий техник ўқитиш воситалари, шунингдек, тиббиёт олий ўқув юртлариди клиник муаммоларни ҳал этишга асосланган модуль тизими қўлланила бошланди. Мазкур технология жаҳон тиббий амалиётида истиқболли ҳисобланиб, мустақил фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади ва малакали шифокорни тайёрлашда муҳим ўрин тутди<sup>3</sup>.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида юртимизда сифат жиҳатдан янги, юксак талабларга жавоб берадиган даволаш муассасалари тизими вужудга келди. “Соғлом она — соғлом бола” дастури асосида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказлари, перинатал ва скрининг марказлари, туғруқхона мажмуалари, ҳудудий кўп

<sup>5</sup> Минздравсоцразвития:22.10.2009-<http://www.minzdravsoc.ru/health/child/50>

<sup>1</sup> Новиков Г.А.; Рудой С.В.; Вайсман М.А. и др. Паллиативная помощь в Российской Федерации: современное состояние и перспективы развития. -Москва. ИД Практика, 2009.

<sup>2</sup> ACT.A Guide to the Development of Children`s Palliative Care Services. ACT(Association for Children`s Palliative Care). -Bristol, 2009.

<sup>1</sup> Тошмухамедов Р., Абдиқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Тошкент: “Истеъдод”, 2008. 3-4-б. (180).

<sup>3</sup> <https://www.minzdrav.uz/uz/news/detail.php?ID=31619>

тармоқли болалар тиббиёт марказлари ташкил этилди.

Болалар тиббиётига замонавий технологияларни жорий этиш бўйича илмий дастурлар ва инновацион ишларнинг бажарилиши натижаларини тиббиёт амалиётига тадбиқ қилинишида даволаш ва ташхис қуйишнинг стандартларини амалиётга киритишга эътибор кучайтирилди.

Ҳозирги пайтда кун сайин ошиб бораётган ахборот - таълим муҳити шароитида талабаларни мустақил равишда фаолият олиб боришларига шароит яратиш, тобора кенгайиб, такомиллашиб бораётган инновацион йўналишлардан самарали фойдаланишларига ўргатиш долзарб масалага айланди. Ҳозирги пайтда талабаларнинг мустақил билим олишлари учун кенгроқ имконият ва шароит яратиш зарур. Бу ўз навбатида таълим самарадорлигини ошириш, талабаларнинг таълим марказида бўлишини, уларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига ўз мутахассислиги бўйича билимларни мустаҳкам эгашлашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни пухта эгаллаган ўқитувчиларни талаб қилади. Бунинг учун ўқитувчиларни янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ва олган билимларини ўқув-тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш зарур. Шунингдек, «Инновацион технологиялар» мақсадли малака ошириш курси (шу жумладан, ушбу курс бўйича масофали ўқиш) йўлга қўйилди<sup>3</sup>. Мазкур соҳада республика соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, шаҳар, туман соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи ва иккиламчи бўғинлари даволаш-профилактика муассасаларида беморлар ва касалликларни тиббий статистик ҳисобга олишни бирламчи қайд этишнинг ишончлилиги, тезкорлиги, ахборотлилиги ва тежамлилигини компьютерлаштириш асосида амалга ошириш, тиббий ҳужжатлар ва кодларни структуравий функционал таҳлиллар қилиш ва статистик ишлов бериш устида ишлар олиб борилди. Жумладан, касалликларни бирламчи қайд этишдаги хатоларнинг тизимли факторларини аниқлади ва барча типдаги муассасаларда қўллаш учун йўналитирилган ва қоғоз ҳамда электрон ҳужжат айланиши учун мўлжалланган тиббий қабул ва касалликларни кодлашнинг янги универсал тизимини ишлаб чиқди. Бу амбулатор қабул пайтида шифокорнинг тиббий ҳужжатини тўлдиришига кетадиган вақтини 1,3 марта, ҳамширанинг вақтини 2,1 марта қисқартириш, шифокорнинг беморларни кўриқдан ўтказиш ва улар билан суҳбатлашиш вақтини эса 1,5 марта кўпайтириш имконини берди<sup>3</sup>.

Режалаштирилган тадбирлар асосида Республика соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, республика миқёсида онкологик беморлар бўйича маълумотларнинг ягона электрон ахборат базаси-“канцер регистр” яратилиб, амалиётга жорий қилинди. Ушбу базанинг яратилиши натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида онкологик касалликлар билан оғриган беморларни ягона тизимда ҳисобга олиш ва уларни текшириш, даволаш ва кузатив ишлари бўйича доимий назорат йўлга

<sup>3</sup> Тошмўхамедов Р., Абдиқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар –Тошкент: “Истеъдод”, 2008. 4-б.

<sup>3</sup> Исмаилов С.И. Совершенствование медицинского учётного документ о оборота в первичном и вторичном звеньях здравоохранения (на примере г. Ташкента). Автореф. дис.канд.мед. наук. -Ташкент, 2006. –С- 38.

қўйилди. Бундан ташқари, бачадон бўйни саратонида аъзо сақловчи амалиёт такомиллаштирилди. Илгарилари бу касаллик билан оғриган беморларда бачадон олиб ташланган. Янги тадқиқотлар асосида бачадон сақлаб қолиниб, беморларнинг репродуктив саломатлиги таъминланди. Мазкур янгиликлардан яна бири шуки, меъда олиб ташлангандан кейин ушбу аъзо фаолиятини тиклаш учун ингичка ичакдан фойдаланган ҳолда пластик-тиклаш жарроҳлиги, яъни бемор ичагидан ошқозон ҳосил қилиш операцияси қўлланила бошланди<sup>1</sup>. Умуман олганда, тиббиёт тизими доимий изланиш талаб қиладиган соҳа ҳисобланиб, самарали амалиётлар қўлланилган беморлар яна тўлақонли ҳаёт кечира бошлашларига имкониятлар яратилди. Айниқса, атроф-муҳит, экологик таъсирлар натижасида юзага келадиган касалликларни ўз вақтида даволашнинг янги усуллари яратиш соҳасида амалга оширилган изланишлар ўз самарасини бера бошлади.

Республика педиатрларининг Тошкентда 2014 йил 14 ноябр куни Туркистон саройида бўлиб ўтган VII съездида “Ўзбекистонда болалар соғлиғини муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари ва модернизацияси” мавзусига доир долзарб муаммолари, жумладан инновация масалалари ҳам муҳокама қилинди. Анжуман ишида парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, юртимиз тиббиёт муассасалари мутахассислари билан бирга, АҚШ, Германия, Россия, Жанубий Корея, Австрия, Словакия, Чехия, Польша, Ҳиндистон каби давлатларнинг соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари, бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди<sup>1</sup>.

Тадбирда Ўзбекистон Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида глобал жараённинг фаол иштирокчиси сифатида 2000 йилда БМТнинг Мингйиллик саммитида мамлакатлар олдида қўйилган вазифаларни изчил амалга ошираётгани таъкидланди. Бу соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган маблағ инвестициялар мисолида кўзга яққол ташланади. Агар 2012 йилда ушбу мақсад учун республикамиз давлат бюджети ҳисобидан 2,8 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2013 йили бу кўрсаткич 3,4 триллион сўмга етди. 2014 йилда эса соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида давлат бюджетидан 4,4 триллион сўм ажратилди<sup>2</sup>. Натижада 2013-2017 йиллар даврида болалиқдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури доирасида барча “Она ва бола скрининг” марказлари касалликни аниқлаш имконияти юқори бўлган биокимёвий анализаторлар ва замонавий ультратовуш сканерлар билан жиҳозланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика “Она ва бола скрининг” марказлари чақалокларда ва кичик ёшдаги болаларда ирсий касалликларнинг кенг доирасига тахшис қўйиш учун юқори технологик анализаторлар –тандем масспектрометрлар билан жиҳозланди<sup>3</sup>.

2013-2017 йилларда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида 2,1 миллиондан ортиқ ҳомиладор аёллар текширилиб, уларнинг 65 минг нафариди ҳомила

<sup>1</sup> Наврузов С., Юсупбеков А., Бобоқулов Ш. Онкологияда инновацион технологиялар. (газета) 2015, 22-июнь. Uzbekiston ovozi.uz.minzdrav.uz/news/detail.php=46934.

<sup>2</sup> uza.uz.Ўзбекистан-страна, где дети здоровы.

<sup>3</sup> Санаев Ф.Ўзбекистон –бахтли инсонлар мамлакати. –Тошкент, 2014.Б-2.

<sup>3</sup> Халқ сўзи. 2017йил, 26- декабрь. № 260. (6954).

ривожланишининг туғма нуқсонлари аниқланиши муносабати билан ҳомиладорлик тўхтатилди. Скрининг марказларида 1,1 миллиондан ортиқ ҳомиладор аёл текширувдан ўтказилиб, улардан ҳомиладорлик даври паталогик кечган 210 минг нафардан ортиқ аёл дори –дармонлар билан даволанди. Бу ривожланишида туғма нуқсонлар бўлган 21 минг нафардан ортиқ бола туғилишининг олдини олиш имконини берди. 1,7 миллиондан ортиқ чақалоқ туғма ва ирсий касалликлар юзасидан текширилди. Ҳозирги вақтда 1407 нафар бемор диспансер назорати остига олинган, 1117 нафар бола бола доимий равишда бепул дори-дармонлар билан, 290 нафар фенелкетонурияга чалинган бола даволайдиган озик-овқатлар билан таъминланган. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида туғма аномалияли болалар туғилишининг интенсив кўрсаткичи 2000 йилдагига нисбатан 1,8 баробар камайди, 2,7 минг нафар болага ривожланишнинг туғма нуқсонларини бартараф этиш юзасидан малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактик ва даволаш -ташхис қўйиш тадбирларини, айниқса, қишлоқ жойларда бўлажак оналар ва болаларнинг соғлиғи ҳолати устидан патронаж тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, жаҳон амалиётига мувофиқ туғруққа ёрдам берувчи муассасаларнинг ва “Она ва бола скрининг” марказларининг моддий –техника баъзасини мустаҳкамлаш талаб этилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 25 декабрда қабул қилган “2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида”ги қарорида шаҳарлар ҳамда туманлар тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли поликлиникаларида ҳомиладор аёлларни туғишидан олдин оммавий ультратовуш текширувидан ўтказилишини жорий этиш назарда тутилган. Ҳомиланинг генетик синдроми бўйича хавф гуруҳини аниқлаш учун ҳомиладорликнинг эрта муддатларида 220 минг нафардан ортиқ ҳомиладор аёллар қонини босқичма-босқич биокимёвий, 310 минг нафардан зиёд аёлларни эса ҳомиладорликнинг иккинчи уч ойлигидан туғишгача биокимёвий скринингдан ўтказиш кўзда тутилган. Тандем масс-спектрометрия усули билан ирсий алмашинув хасталикларни тасдиқлаш учун 18 мингдан кўпроқ болани текшириш режалаштирилган. Нукус, Бухоро, Самарқанд ҳамда Фарғонадаги она ва бола скрининг марказларида минтақалараро цитогенетик лабораториялар ташкил этилиши, уларнинг юқори технологик тиббиёт диагностика ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган<sup>2</sup>.

Мазкур қарор асосида Республикада соғлом болаларни туғилиши, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда паталогияни барвақт аниқлаш учун зарур шарт шароитларни таъминлайдиган замонавий перинатал марказлар ҳамда “она ва бола скрининг” марказлари тармоғи яратилди, туғруққа ёрдам берувчи ва педиатрия муассасаларининг моддий- техника базаси ва кадрлар салоҳияти мустаҳкамланди, туғма ва ирсий касалликларга тахшис қўйиш, даволаш ҳамда улар профилактикасининг замонавий усуллари жорий этилди.

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий -оммабоп қўлланма. -Тошкент, 2018. 242-б

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаат-номасида соғлиқни сақлаш тизимида, миллатимиз генофондини сақлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланган. Шу мақсадлар, вазифалар ва асосий йўналишларни назарда тутувчи 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Концепциянинг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:

1. Касалликларнинг ва кўпчилик ҳолларда бевақт ўлим ва ногиронликка олиб келадиган вазиятларнинг олдини олиш ва уларни даволаш натижаларини яхшилаш орқали кутилаётган умр кўриш даврини ошириш;
2. Тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишни, аҳолини молиявий жиҳатдан ҳимоя қилишни ва ресурсларни адолатли тақсимлашни таъминлаши учун соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш;
3. Концепция вазифаларини бажариш ва республика аҳолисига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун соғлиқни сақлашнинг бошқарув органлари салоҳиятини кучайтириш, уларнинг раҳбарлари роли ва жавобгарлигини ошириш<sup>1</sup> асосий вазифалар сифатида белгиланган.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаат-номасида соғлиқни сақлаш тизимида, миллатимиз генофондини сақлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланган. Шу мақсадлар, вазифалар ва асосий йўналишларни назарда тутувчи 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Концепциянинг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:

1. Касалликларнинг ва кўпчилик ҳолларда бевақт ўлим ва ногиронликка олиб келадиган вазиятларнинг олдини олиш ва уларни даволаш натижаларини яхшилаш орқали кутилаётган умр кўриш даврини ошириш;
2. Тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишни, аҳолини молиявий жиҳатдан ҳимоя қилишни ва ресурсларни адолатли тақсимлашни таъминлаши учун соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш;
3. Концепция вазифаларини бажариш ва республика аҳолисига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун соғлиқни сақлашнинг бошқарув органлари салоҳиятини кучайтириш, уларнинг раҳбарлари роли ва жавобгарлигини ошириш<sup>1</sup> асосий вазифалар сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.12.2018 йилдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони билан тасдиқланган «2019-2025 йилларда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий -оммабоп қўлланма. -Тошкент, 2019. 169-б.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий -оммабоп қўлланма. -Тошкент, 2019. 169-б.

Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида ўз ифодасини топган<sup>3</sup>.

Сўнги йилларда таълим тизимида e-learning – электрон таълим олиш атамаси яъни ахборот коммуникация технологиялари ва телекоммуникациялар воситаларидан фойдаланган ҳолда интернет орқали электрон шаклда таълим олишни англатувчи ахборот ва электрон технологиялар ўқитувчи тизим кенг тарқалди. YUNESKO таърифига кўра, e-learning – бу интернет мультимедиа ёрдамида таълим олишдир<sup>2</sup>.

Мазкур электрон ўқитиш тизимига қуйидагилар киради:

1. Шахсий компьютердан, мобил телефон, DVD – проигривателдан ва ҳокозолардан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурслари билан ўқитилган мустақил иш.
2. Масофавий (худудий) эксперт (ўқитувчи) маслаҳатлари, фикрларини олиш, масофавий ўзаро ҳамкорлик қилиш имконияти.
3. Умумий вертуал ўқув фаолятини олиб боровчи фойдаланувчилар (ижтимоий тармоқлар) ҳамжамиятини ташкил этиш.
4. Электрон ўқув матриалларни ўз вақтида тун – у кун етказиб бериш.
5. Электрон ўқув матриаллари ва технологиялари, масофавий ўқитиш воситалари учун стандартлар ва ихтисосликлар.
6. Ўқув веб ресурсларини ривожлантириш имконияти; исталган вақт ва исталган жойда замонавий билим олиш имконияти.
7. Руҳий физиологик ривожланиши ўзига хос бўлган шахслар учун олий маълумот олиш имконияти<sup>3</sup> жорий этилди.

Шу билан бирга таҳсил олувчилар институтнинг сайтида ахборот таълим порталидан электрон ўқув жараёнини, яъни жорий ва оралиқ назоратни ташкил этиш учун виртуал кампус хисобланади. Институт ARM портали фондидан ва турли технологиялардан фойдаланиш имконини беради. Виртуал ўқув адабиётлари (“ Ақлли аудиториялар “) ва портал форуми орқали ўқитувчилар билан алоқа амалга оширилади<sup>4</sup>.

Кейинги йилларда компьютер технологияларнинг шиддат билан ривожланиши масофавий ўқитиш тизими ривожланишига олиб келади, энди электрон таълим ресурсларининг зарур миқдорини Интернет тармоқлардан фойдаланган ҳолда таҳсил олувчиларга он – лине режимда тақдим этиш ва ўқув ахборотини Интернет – сайтларига жойлаштириш имкони пайдо булди. Бу қуйидагича амалга оширилди:

- 1) CD- ROM негизида курслар
- 2) Масофавий ўқитиш
- 3) E – learning<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Асадов Д.А., Хакимов В.А. Рақамли технологияларни соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимлари каспий малакасини оширишга тадбиқ этиш. Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш. –Тошкент, 2020 . N6 (120). 17-б.

<sup>2</sup> Н.Ходжаев , Р. Бакиева Масофавий ўқитишнинг бир модели тўғрисида. www.finans.uz. Молиячи маълумотномаси. –Тошкент, 2020. 01(97). 37-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда 37-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда 38-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда 38-бет.

**Хулоса ва таклифлар. (Conclusion/Recommendations)** Шундай қилиб мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида халқимиз саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича аниқ вазибалар белгиланган бўлиб, уларда репродуктив ёшдаги аёллар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш, ҳисобидан болаларга кечаю кундуз шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар реанимацияси ва интенсив терапия бўлимлари қабулхоналари, ирсий, генетик, бирламчи иммунитет танқислиги, туғма ва ортирилган касалликларга чалинган болаларга тахшис қўйиш, сурункали касалликларга чалинган ва ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилиш марказлари ёрдамида даволашни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Шунинг билан бир қаторда аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш ҳам кишиларни қийнаб келаётган долзарб масалалигича қолмоқда. Бунинг учун хорижий инвесторлар ва мутахассисларни мамлакатимизда ишлаб тажрибалари билан ҳамкорлик қилишларига зарур шароит яратиш долзарб ўз масала бўлиб қолмоқда.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. [uzbekistonovozi.uz](http://uzbekistonovozi.uz) <http://minzdrav.uz/uz/news/detail.php?ID=46934#>
2. Паллиатив педиатрия ёрдами дунё амалиётида умидсиз касалларнинг ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган чора- тадбирлар сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, катта ёшли беморларни даволаш учун шакллантирилган, кейинчалик паллиатив ёрдам принциплари болалар билан ишлашда ҳам бошланган.
3. Гнездилов А.В., Иванюшкин А.Я., Миллионщикова В.В. Дом для Жизни.Человек. 1994;5: С-116-121.
4. Инициатива по улучшению паллиативной помощи.<http://ppci.choosinghope.info/>
5. Инициатива по улучшению паллиативной помощи.<http://ppci.choosinghope.info/>
6. Минздравсоцразвития:22.10.2009-<http://www.minzdravsoc.ru/health/child/50>
7. Новиков Г.А.; Рудой С.В.; Вайсман М.А. и др. Паллиативная помощь в Российской Федерации: современное состояние и перспективы развития. -Москва. ИД Практика, 2009.
8. АСТ.А Guide to the Development of Children`s Palliative Care Services. АСТ(Association for Children`s Palliative Care). -Bristol, 2009.
9. Тошмухамедов Р., Абдикодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент: “Истеъдод”, 2008. 3-4-б. (180).
10. <https://www.minzdrav.uz/uz/news/detail.php?ID=31619>
11. Инициатива по улучшению паллиативной помощи.<http://ppci.choosinghope.info/>
12. Минздравсоцразвития:22.10.2009-<http://www.minzdravsoc.ru/health/child/50>
- 13.Новиков Г.А.; Рудой С.В.; Вайсман М.А. и др. Паллиативная помощь в Российской Федерации: современное состояние и перспективы развития. -Москва. ИД Практика, 2009.
14. АСТ.А Guide to the Development of Children`s Palliative Care Services. АСТ(Association for Children`s Palliative Care). -Bristol, 2009.
- 15.Тошмухамедов Р., Абдикодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Тошкент: “Истеъдод”, 2008. 3-4-б. (180).

16. <https://www.minzdrav.uz/uz/news/detail.php?ID=31619>
17. Тошмухамедов Р., Абдиқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар – Тошкент: “Истеъдод”, 2008. 4-б.
18. Исмаилов С.И. Совершенствование медицинского учётного документ о оборота в первичном и вторичном звеньях здравоохранения (на примере г. Ташкента). Автореф. дис.канд.мед. наук. -Ташкент, 2006. –С- 38.
19. Наврузов С., Юсупбеков А., Бобоқулов Ш. Онкологияда инновацион технологиялар. (газета) 2015, 22-июнь. [Uzbekiston ovozi.uz.minzdrav.uz/news/detail.php=46934](http://Uzbekiston ovozi.uz.minzdrav.uz/news/detail.php=46934).
20. [uza.uz](http://uza.uz).Узбекистан-страна, где дети здоровы.
21. Санаев Ф.Ўзбекистон –бахтли инсонлар мамлақати. –Тошкент, 2014.Б-2.
22. Халқ сўзи. 2017йил, 26- декабрь. № 260. (6954).
23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий -оммабоп қўлланма. -Тошкент, 2018. 242-б
24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий -оммабоп қўлланма. -Тошкент, 2019. 169-б.
25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий -оммабоп қўлланма. -Тошкент, 2019. 169-б.
26. Асадов Д.А., Хакимов В.А. Рақамли технологияларни соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимлари каспий малакасини оширишга тадбиқ этиш.Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш. –Тошкент, 2020 . № (120). 17-б.
27. Н.Ходжаев , Р. Бакиева Масофавий ўқитишнинг бир модели тўғрисида.[www.finans.uz](http://www.finans.uz). Молиячи маълумотномаси. –Тошкент, 2020. 01(97). 37-бет.